

## Нафснинг мукамал жилови Исломдадир



17:30 / 09.06.2022 1484

Япониялик имом Аҳмад Маэно ҳаётида бўлиб ўтган воқеани шундай ҳикоя қилиб беради:

«Мени роҳиб бўлишимдан тўсган сабаблардан бири, диний ва одатий ҳаётни бир-биридан бутунлай ажратиб қўйилганлиги бўлди. Исломда эса булар бир бутун ва дин ҳаёт тарзига тадбиқ қилинади.

Субҳаналлоҳ, Исломни қанчалик кўп ўргансам, мен излаган ҳақ динга шунчалик мослигини топдим.

Ислом динига шавқатсизларча қаттиқ қаршилик қилишларини сабаби нимада биласизми? Бунинг сабаби, улар Ислом ҳақ эканини биладилар. Қалбан Исломни ҳақ эканини англайдилар ва биладилар-ки, агар буни тан олсалар, Исломни қабул қилишлари, мусулмон бўлишлари керак. Аммо, улар учун Исломни қабул қилиш оғирлик қилади. Шу сабаб унга нафрат билан қаршилик қиладилар. Агар Исломни ўрганмасак нафсимиз семириб, ўзимизга қарши катта кучга айланади.

**Манба:** [imamsonline.com](http://imamsonline.com)

***Muslim Mind телеграм***

***каналдан олинди***